

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ГЕНЕТИКАСИ,
СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ» КАФЕДРАСИ**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

факултет декани

доцент К.Комилов

" ____ " _____ 2016 й

"Ҳимояга рухсат этаман"

кафедра мудири

доцент З.Рахмонов

" ____ " _____ 2016 йил

**АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ
СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
4 –БОСҚИЧ 2-ГУРУҲ ТАЛАБАСИ
ШАРИФЖОНОВ МУХРИДДИН ХУСНИДДИН ЎҒЛИНИНГ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: «АФРО-ОСИЁ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК,
БИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ»**

Илмий раҳбарлар:

**доцент А.Тўхтабоев
ассистент Н.Набиева**

АНДИЖОН – 2016 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛТЕТИ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ГЕНЕТИКАСИ,
СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ» КАФЕДРАСИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

Доцент З.Рахмонов

" ____ " май 2016 йил

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА
УРУҒЧИЛИГИ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

4-босқич 2-гуруҳ толиби Шарифжонов Мухриддин Хусниддин ўғлига
Битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

1.« ____ » 201 ____ й № ____ СТ буйруқ билан тасдиқланган.

**2. МАВЗУ: «АФРО-ОСИЁ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК,
БИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ»**

3. Битирув малакавий ишини тугатиш вақти- « 1 » май 2016 й.

4. Битирув малакавий ишини бажариш учун керакли маълумотлар:
тажриба ўтказилган жой ҳақида маълумотлар, иқлим маълумотлари,
тупроқ шароити ҳақида маълумотлар, тажриба ўтказилган хўжалик ҳақида
маълумотлар, тажриба натижалари, интернет маълумотлари.

5. Битирув малакавий ишини асосий бўлимлари: Кириш, адабиётлар
шарҳи, тажриба ўтказиш шароити ва услублари, тажриба натижалари,
хулосалар, адабиётлар рўйхати.

6. Жадваллар: 3 та, расм – 6 та, фойдаланилган адабиётлар -30 та.
7. Битирув малакавий ишининг режаси

МУНДАРИЖА

I-БОБ.КИРИШ:	3
II-БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	8
2.1.Белгиларнинг ирсийланиши.....	8
2.2. <i>G.herbaceum</i> L. ва <i>G.arboreum</i> L. ғўза турларининг дурагайларида баъзи морфологик белгиларнинг ирсийланиши.....	11
III-БОБ. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ	17
3.1. Тупроқ шароити.....	17
3.2. Иқлим шароити.....	18
3.3. Агротехникавий шароити.....	19
3.4. Тадқиқот услублари.....	20
IV-БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУХОҚАМАСИ. АФРО-ОСИЁ ВА ҲИНДИ-ХИТОЙ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ТУРИЧИ ХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ВА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ	20
4.2. А-Геном турлари ва уларнинг дурагайларида тезпишарлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.....	25
4.3. F ₁ ,F ₂ -ўсимликларида вегетация даврининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.....	31
4.4. Ғуза ўсимлигида 1000 дона чигит вазнининг ирсийланиши.....	37
4.5..Тола узунлигини ирсийланиши.....	44
4.6. Тола чиқимини ирсийланиши.....	46
4.7. Вертициллёз ҳамда Фузариоз (вилтга) чидамлиликини ирсийланиши.....	48
4.8. Зараркунандаларга чидамлиликини ирсий табиати.....	50
V-БОБ.ХУЛОСАЛАР	51
VI-Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	53

КИРИШ:

“Ўзбекистон учун пахта, мамлакатни мустақиллигининг кафолати, сиёсати ва иқтисодий куч манбаидир”

И.А. Каримов.

Ўзбекистон иқтисодиётида ғўза алоҳида ўрин тутган ва тутиб келмоқда.

Маълумки, ғўза навлари морфологик ва биологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда яратилаётган ҳар бир нав, ўзининг ноёб белги ва хусусиятларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 1998 йил [Б] қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида шундай деган эди. «Бизнинг асосий мақсадимиз қуйидагилардан иборат: биринчидан – пахта ҳосилдорлигини ошириш; иккинчидан – пахта толасининг сифатини яхшилаш; учинчидан – юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш; тўртинчидан – экинларни суғоришда сувни тежаш; бешинчидан – атроф муҳитни соғломлаштириш, биологик вазиятни яхшилаш». Шунга кўра қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, энг тез ҳамда катта самара олишни таъминлайдиган вазифаларни ҳал этишга бутун эътибор ва билимларни жам қилишни талаб қилади. Жумладан, пахтачиликни янада мукамал ўрганиш, хусусан нав наводорлигини ошириш энг долзарб муаммолардандир. Шунинг учун бугунги кунга келиб, генетик, селекционер олимлар томонидан тезпишар, ҳосилдор, тола сифат кўрсаткичлари юқори, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади, бироқ баъзи навлар генотипик ва фенотипик жиҳатдан жуда хилма-хил

бўлиб, шу асосда яратилган навлар ишлаб чиқаришда ўз самарасини бермайди.

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки *Gossypium* L. туркумига мансуб турларнинг қишлоқ хўжалик учун зарур ҳисобланган қимматли белги ва хусусиятларини ўзида сақлаган ирсий имкониятларга бой манбалардан бўлиб, пахтачиликнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган навлар яратишда аҳамияти каттадир. Бундай ирсий имкониятларга бой гуруҳлардан бири Афро-Осиё ва Ҳинди-Хитой ғўза турлари ҳисобланади. Бу турларнинг толаси ўртача узунликда, ранги оқ, кулранг, малла ранг, дағал ёки нозик бўлади ва юқори сифатли калава ип тайёрлаш, иссиқ газламалар тўқиш учун ишлатилади. Шу билан бирга кўпчилик формалари юқори температурага ва жуда ҳам қуруқ ҳавога яхши бардош бериб, қуруқ сахро иқлимига ва ишқорий тупроқларга мослашгандир. Бугунги кун текширувларида, тола узунлиги 46 мм ва кўсак вазни 7,3 граммгача бўлган “*cernum*”, шакли навлари 34 мм узунликка эга бўлган “*indicum*” шакли навлари жуда шўр тупроққа чидамлидир (Singh ва бошқалар 2003). Уларнинг фойдали белги ва хусусиятларини маданий навларга ўтказиб, қишлоқ хўжалик ҳар хил касаллик, зараркунанда ва ҳашоротларга, курғоқчилликка чидамли, ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни яратишдан иборатдир. Афро-Осиё ва Ҳинди-Хитой ғўза турларини юқорида қайд қилинган хусусиятларга асосланган ҳолда ғўза генофондини ирсий жиҳатдан бой нав намуналари билан янада бойитиш ҳозирги пайтда зарурий ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. ёввойи, ярим ёввойи маданий тропик, субтропик тур хилма - хилликларининг морфологик, биологик ва хўжалик белгиларини селекцион усулларга ёндашиб ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари: мақсадга эришиш учун қуйидагиларни вазифа қилиб олдик;

- *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. ёввойи, ярим ёввойи маданий тропик, субтропик тур хилма - хилликларининг алоҳида морфологик ва биологик белгиларини ўрганиш;

- хўжалик белгиларини ирсийланишини ўрганиш

Ишнинг ўрганилганлик даражаси: Ўзбекистонда ғўза генетикаси ва селекцияси билан ишлаган олимлар – Н.И.Вавилов, Г.С.Зайцев, Р.Р.Шредер, А.И.Автономов, А.А.Автономов, В.А.Автономов, Л.Г.Арютонова, А.Д.Дадабоев, Я Навроцкий, С.С.Канаш, Л.А.Туркс, Л.В.Румшевич, И.К.Максименко, К.И.Цинда, В.П.Красичков, С.М.Мирахмедов, А.П.Ибрагимов, Ю.И.Икромов ва бошқалар, хозирги кунда йирик ютуқларга эришган академиклар Дж.А.Мусаев, А.А.Абдуллаев, О.Ж. Жалилов ва уни янги далиллар билан бойитаётган Ш.И. Ибрагимов, А.Т.Гафуров, Н.Г.Симонгулян, С.Рахмонкулов, А.Б.Б

аталов, академик А.А.Абдукаримов, Ш.Ю.Юнусхонов, Р.К.Шадманов, М.Ф.Абзалов, Н.Г.Губанова С.М.Ризаева, Х.Сайдалиев, П.Ш. Ибрагимов, Ш. Намозов ва бошқалар ишлаб келишмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети: *G.herbaceum* L. кенжа турлари:

1. *G.herbaceum* ssp.*africanum* (Watt) Mauer, қадимги ёввойи форма
2. *G.herbaceum* ssp.*pseudoarboreum* Mauer, кўп йиллик рудерал ва экма форма
3. *G.herbaceum* ssp.*euherbaceum* Mauer, тезпишар симподиал субтропик форма

***G.arboreum* L. кенжа турлари:**

1. *G.arboreum* ssp.*obtusifolium* (Roxb) Mauer, қадимги ёввойи форма
2. *G.arboreum* ssp.*perenne* (Blanco) Mauer, кўп йиллик рудерал ва экма форма
3. *G.arboreum* ssp.*neglectum* (Tod) Mauer, ярим симподиал ва симподиал тропик форма
4. *G.arboreum* ssp.*nanking* (Meyen) Mauer, симподиал субтропик форма.

Афсуски бу турларни хусусий генетикасини шу кунга қадар тўлиқ ўрганилиб чиқилмаган. Бу турлар ҳар хил геномлар кўшилишидан ҳосил бўлгани учун, ҳосил бўлган янги геномда генларни ўзаро муносабати ўта мураккаблашган. Унинг хромосомалар бўйича боғлиқлик гуруҳларда жойлашган генларни ўрни, уларни муносабати тўлиқ аниқланилмаган.

Шу сабабларга кўра талабаларга ғўза ўсимлигини генетикасини, унинг ўсишида ва ривожланишида, ҳамда белгиларни фенотипик намоён бўлишдаги генларни муносабатини, уларни генотипик муҳит, ташқи муҳит таъсирида ўзгариш сабабларини етказиш ёш мутахассисларни умумий генетика ва ўсимликларни хусусий генетикаси далиллари билан билимларини бойитиш уларни мутахассис сифатида шакллантиришида катта ёрдам бериши муқаррардир.

Ишнинг илмий янгилиги. *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. тури хилма-хилликларини дурагайлаш натижасида уларнинг филогенетик муносабатлари, морфобиологияси ва дурагайлар олиш имкониятлари тўғрисидаги янги маълумотлар олинди.

Морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгилари (шоҳланиши, гуллари ва кўсакларининг ҳажми, тузилиши, тола чиқими ва узунлиги, ранги, бир дона кўсакдаги пахта ва 1000 дона чигит вазни, вегетация даври, фотопериодга талабчанлиги) бўйича фарқланиши, ўзаро чатишиши, F_1 , F_2 -ўсимликларида ёввойи шаклларга хос бўлган белгиларнинг ирсийланиши ўрганилди.

БМИ нинг тузилиши ва ҳажми. БМИ иши 45 саҳифадан иборат бўлиб, 6 бобдан ташкил топган. Унда кириш қисми, адабиётлар шарҳи, тадқиқот манбалари, ўтказиш методлари ва шароитлари, тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. БМИ да 3 та жадвал ва 6 та расм, 1 та чизма гарафик

келтирилган. БМИ ишида 28 та илмий адабиётдан фойдаланилган бўлиб, шулардан 5 таси чет эл нашрларидир.

II. БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

2.1. Белгиларнинг ирсийланиши

*Gossypium*L. туркумига мансуб ғўза турларининг эволюцияси, систематик ўрни, тур таркиби ва филогенетик муносабатларини ўрганиш ҳамда селекцияда фойдаланиш нуқтаи назаридан кўплаб изланишлар олиб борилган. Полиморф ғўза турларининг хилма-хилликлари бу борада кам ўрганилган бўлиб, Афро-осиё ғўзаларининг туричи хилма-хилликлари деярли ўрганилмагандир.

Маълумки, генетика фани ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганиб, селекциянинг назарий асоси ҳисобланади. Шунга кўра ғўза нав ва тизмалар популяцияларида ҳам белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш орқали геннинг ирсиятдаги ролини очиб бериш ва биотипларнинг морфобиологик ва хўжалик белгиларини мувозанатлигини кейинги давомийлигини аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, миқдорий белгиларнинг ирсийланишининг назарий долзарблиги ва амалий аҳамиятини ўрганиш борасидаги изланишлар баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда.

Маълумки, ғўза селекцияси асосан миқдорий белгиларга асосланган, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, яъни тезпишар, ҳосилдор, кўсак сони, 1000 дона чигит вазни ва бошқа кўрсаткичлари юқори бўлган шакллар ва шаклларнинг ўзаро дурагайлари танилаш асосида бойитилади. Аммо ўзгарувчанлик қонуниятлари, ирсийланиш даражаси ва бу белгиларнинг бири-бирига муносабати етарли даражада ўрганилмаган. Шу билан бир қаторда бу белгилар полиген табиатга эга бўлиб, мураккаб ирсийланади.

Амалий селекция учун миқдорий белгиларнинг ирсийланиш даражасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса генларнинг ўзаро таъсири ва ташқи муҳит таъсирида миқдорий белгиларнинг фенотипик кўринишини аниқлаш муҳимдир.

W.E.Nyquist [27] адабиётларни чуқур ўрганиш асосида ўсимликлар популяцияларида белгиларнинг ирсийланишига баҳо бериш ва танлаш ҳамда ўсимликларда белгиларнинг ирсийланишини олдиндан айтиб бериш бўйича кўплаб мунозарали саволларга тушунча берган. Шу билан бирга белгиларнинг ирсийланишини баҳолаш учун бир қанча янги услубларни кўшиш мумкинлигини таъкидлаган. Бу янги услубларга мувозанатсизлик маълумотлар услуби, аралаш билвосита таҳлил услуби, генеологик (шажара) услуби орқали маркер генларни қўллаш таҳлили, яъни ўзгарувчанликнинг генетик компонентларини баҳолаш услублари киради.

Моделнинг мувозанатсизлик ва аралаш билвосита таҳлил услубининг асосий ҳолатлари S.R.Searle et al. [28] томонидан қўрилган. S.Xu [26] ўсимликлар популяцияларида ўзгарувчанликнинг генетик компонентларини баҳолашда шажара таҳлили услубини қўллаган. K.Ritland ирсийланишни ва турли популяцион генетик параметрларни баҳолашда маркер генлардан фодаланишни кузатган. Маркер генларга асосланган услуб табиий популяцияларни ўрганишда уларнинг келиб чиқиши номаълум бўлганлиги учун жуда катта қийинчилик туғдиради ва бу услуб ёрдамида мавҳум саволларга жавоб берилади [27].

S.W.Hoi et al. [26], ташқи муҳитнинг турли хил шароитларида танлашнинг ривожланишини олдиндан айтиш учун ирсийланишни баҳолашдан фойдаланганлар.

S.W.Hoi et al. [25] турлича схемалардаги тажрибаларда танлаш самарадорлигини таққослаш учун ирсийланишни баҳолаш фойдалилигини ва бу селекциянинг оптимал стратегик ишлаш имкониятини беришини таъкидлаганлар. Ташқи муҳитга генотипнинг ўзаро таъсирида ирсийланишни баҳолаш ҳам селекцион жараёнларнинг тезлашуви учун фойдалидир.

Турли белгиларнинг ирсийланишини баҳолаш, белгиларнинг генетик корреляциясини қўшимча баҳолаш, танлашнинг аралаш билвосита таҳлил схемаси идентификацияси учун қабул қилиш мумкин бўлади. Чунки, белгиларнинг кўрсаткичлари юқори бўлганларини тўғридан тўғри танлашга

нисбатан, буларнинг самараси нисбатан юқориқдир [21]. Турли услублардан фойдаланган ҳолда белгиларнинг ирсийланишини ва генетик статистик таҳлилини ўрганишда кўплаб олимлар [8], [27], [3], [11], изланишлар олиб борганлар.

Ўзанинг ҳосилдорлик белгиси полиген табиатга эга бўлиб, бу белгининг ирсийланиши мураккаб, шунингдек, битта ўсимликдаги кўсаклар сони ва битта кўсакдаги пахта вазни шулар жумласидандир. Ҳосилдорлик ва бошқа кўплаб белгилар билан тезпишарлик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик, навнинг потенциал адаптивлик қобилятига боғлиқ ҳолда ўрганилган бўлиб, бу белгиларнинг ирсийланишида коррелятив қонуниятнинг ҳам роли мавжуддир [20].

Ҳосилдорлик ва бир тип ўсимликдаги кўсаклар сони белгисининг ирсийланишида агротехник тадбирлар ва ташқи муҳит шароитининг таъсири жуда каттадир. Бу маълумотлар кўплаб олимлар [4], [8] [16] тадқиқотларида ўрганилган бўлиб, белгиларнинг, яъни ҳосилдорликнинг кенг тарзда ирсийланиши $H^2-0,10-0,30$ дан, ўсимликдаги кўсаклар сони $H^2-0,20$ дан ошмаслигини аниқлаганлар.

С.Ғ.Бобоев ва бош. [7] мураккаб турлараро дурагайлашда тола чиқимини ирсийланишини 4 геномли [(*G.thurberi* x *G.raimondii*) x *G.arboreum*)] x *G.hirsutum* L. ва 5 геномли [(*G.thurberi* x *G.raimondii*) x *G.arboreum*)] x *G.hirsutum* L. x *G.barbadense* L. ҳамда бир ва икки карпа беккросс чатиштиришдан олинган дурагайлардан фойдаланиб, F_1 дурагайларини тола чиқимини таққослаб ўрганиш асосида белгининг ўртача кўрсаткичи деярли бир хил, яъни оналик 4 геномли дурагайларда 35,4-36,0 %, оталик шаклида иштироқ этган Омад ва Термиз-31 навларида эса 36,0-36,5 % ни ташкил этганини аниқлаганлар.

G.arboreum L. турига мансуб бўлган навлараро F_1-F_3 дурагайларида бир тип ўсимликдаги пахта ҳосилдорлигини ирсийланишини ўрганиб, F_2 $h^2-0,30-0,99$, F_3 $h^2-0,60-0,78$ бўлганлиги аниқланган [11].

G.arboreum L. турига мансуб географик жихатдан узок бўлган навлараро F_1 - F_3 дурагайларида тола чиқимининг ирсийланиши ўрганилган ва F_2 h^2 - -0,32-0,94, F_3 h^2 -0,001-0,96 га тенглиги аниқланган [23].

Адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ғўза нав ва тизмаларида хўжалик белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар олиб борилган бўлиб, аммо популяциялар ичида биотиплар асосида гуруҳлаш ва белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш борасида изланишлар олиб борилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларимиз давомида мувозанатлик даражасини айнан белгиларнинг кейинги йиллар давомида ирсийланишини ўрганиш билан баҳолишни лозим деб топдик.

2.2.*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. ғўза турларининг дурагайларида баъзи морфологик белгиларнинг ирсийланиши

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Республика иқтисодиёти тараққиётини белгловчи бош омиллардан бири ҳисобланади. Хозирги вақтда деҳқончилик асосан фермер хўжаликлари шароитида олиб борилиши боис суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Бунда суғориш сувини тежаб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқнинг шўрини ювиш, заҳира суғориш ва экинлар парвариши давридаги суғориш учун керагидан ортиқча, айрим ерларда амалда тавсия этилган мақбул меъёрдан 20-40% ортиқ сув сарфланади.

Пахтачилик Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, хорижий валюта тушумининг салмоқли қисми шу тармоққа тўғри келади. Шу туфайли пахтачиликни ривожлантириш, тола сифатини яхшилаш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон дунёда пахта ериштириладиган энг шимолий мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда.

Ѓўза селекцияси жараёнида замонавий ва юқори самарадор селекцион – генетик услубларни қўллаш, янги олинаётган дурагайларнинг ёш авлодларида генетик имкониятларни ўрганиш, танлаш жараёнида самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш талабларига жавоб берувчи янги навлар яратилишига асос бўлади [12].

Ѓўзанинг ҳосилдор, тезпишар, толасининг сифати юқори, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли янги навларни яратиш селекциянинг генетик усуллари тақомиллаштиришни тақозо этади [10].

Жорий даврда яратилаётган ғўза навларига қўйиладиган талаблар юқори бўлиб, бунда нав тезпишар, серҳосил, турли экстремал шароитлар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли бўлиши, тола сифати енгил саноат талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак. Бундай навларни яратиш учун селекционер – генетик олимлар учун керакли белгилар бўйича манба ва донорларнинг аҳамияти катта. Чунки амалий селекция жараёнида бошланғич ашёни тўғри танлаш асосий муваффақиятни таъминлайди [30].

Янада тақомиллашган, ҳосилдор навларни яратиш турли хил бошланғич материалдан кенг фойдаланишга асосланади. Энг яхши навларни яратишда селекционер ютуғи зарурий материал кўламига боғлиқдир [3].

С.Бороевичнинг (1984) [14] кўрсатишича, чатиштириш усуллари мураккаблашиши билан кўзланган муваффақият амалга ошмайди. Аммо дурагайларда ота – она шакллари маълум ижобий белгилари мажмуаси бўйича танлаш имконияти ошиб боради. Мураккаб чатиштиришнинг услубларидан бири қўш чатиштириш ҳисобланиб, ушбу услуб яратилаётган навда ота – она шакллари ижобий белгиларини намоён қилиш мақсадида қўлланилади. Бунда, қўш чатиштиришда 4 ота – онанинг ҳар бири $\{(A \times B) \times (C \times D)\}$ дурагайга ўзининг ирсий белгиларининг бир хилда ўтказади.

Селекциянинг самарали услубларидан бири қўш дурагайлаш услуби орқали ҳосилдорлиги юқори бўлган рекомбинантлар олиш имконияти туғилади. Улар оддий дурагайларга нисбатан кенгроқ ўзгарувчанликка эга

бўлади. Аммо бу ўзгарувчанлик асосан ўсимликлар мослашувчанлик қобилятини ошишида намоён бўлади [23].

Х. Мунасов, Ш. Намозов, О. Қўчқоровлар (2003) [24] тур ичида ва турлараро мураккаб дурагайлаш асосида яратилган тизмаларнинг тола сифатини шаклланишини сув танқислиги шароитида ўрганиш асосида тола сифатини, айниқса, микронейр, нисбий узилиш узунлиги ва тола узунлигини талаб даражасида бўлишини таъминлаш учун узок эколо – жуғрофий чатиштиришдан фойдаланиш яхши натижа беришини аниқлаганлар. Уларнинг фикрича, туричи ва турлараро дурагайларни сув танқислиги шароитида хўжалик учун қимматли белгилари асосида танлаш юқори самара беради.

Синтетик селекция жараёнида мураккаб чатиштиришда иштирок этган ота – она шакллари генларнинг ўзаро комбинацияси натижасида олинган олинган дурагайлар бутунлай янги хусусиятларга эга рекомбинантларни пайдо қилади. Бундай рекомбинантларни олиш учун бошланғич ашё сифатида ҳар хил ирсий хусусиятларга эга бўлган хорижий ғўза намуналари ва турғун навлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Д. А. Мусаев (1979) [26] мураккаб дурагайларда тола чиқими ўрганиб, унинг бошқа белгиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил шаклланишини эътироф этган.

Х. Шмальц (1973) [58] нинг ёзишича, АҚШ да кенг қўламда композит дурагайлаш услубидан фойдаланилган, илмий ишлар олиб борилган. Уларда F_1 дурагайларни бир – бири билан чатиштириш йўли билан тўрт, саккиз ва ундан ортиқ ота – она шакллари нинг белгиларини ўзида мужассамлаштира оладиган чатиштириш услуби тақлиф қилинган.

П. Ш. Ибрагимов (1999) [19] нинг таъкидлашича, ғўза дурагайлараро мураккаб чатиштиришлар қимматли – хўжалик белгилари бўйича кенг ўзгарувчанликка эга бўлишга ва трансгрессив генотипларни танлашга имконият туғдиради. Энг кўп ўзгарувчанлик хусусий комбинатив қобилятининг юқори констатларига эга бўлган дурагайлар жалб этилган

комбинацияларда кузатилиб, натижада тезпишар, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган тизмаларни ажратиб олиш мумкинлиги кўрсатилган.

S. N. Kadapa, R. M. Rajapati (1989) [76], S.N. Kadapa (1995) [74] ғўзанинг серҳосил, хашаротларга чидамли навларини яратишда, ота – она шакллари эколога келиб чиқишига асосий эътибор қаратиб ва композит дурагайлаш услубидан кенг фойдаланиб, қимматли – хўжалик белгиларига эга бўлган нав ҳамда тизмаларни яратиш мумкинлигини исботлаб берганлар.

А. А. Эгамбердиев (2002) [59] нинг маълумотларида ёзилишича, ўрганилган ғўзанинг F₁мураккаб дурагайларида ўта доминантлик ҳолати тезпишарлик ва тола чиқими белгиларининг ирсийланишида кузатилган.

Р. Дани (1994) [18] ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда шуни баён этадики, кўш тизмалараро дурагайлар ота – она шакллари ва оддий дурагайларга нисбатан серҳосиллиги ҳамда чигитдаги ёғ миқдорининг юқори бўлиши билан ажралиб туради.

Fred Gilham (1996) [67] нинг таъкидлашича, кейинги йилларда АҚШ ва Хитой олий тезпишар ғўза навлари яратишда мураккаб дурагайлаш услубидан кенг фойдаланмоқдалар.

Н. Г. Губанова, О. Д. Жўраев, З.Ю.Содиқова, Н. Н. Санаев (1997) [17] ларнинг иймий манъбалари да ёзилишича, мураккаб полиформ дурагайлар ноқулай шароитларга жуда тез мослашувчан бўлганлиги сабабли уларга ишлов бериш ва танлаб олиш орқали керекли йўналиш учун фойдали ашё олиш мумкин.

Ў Муратов ва бошқалар (1997) [25] нинг илмий изларида келтиришича, мураккаб дурагайлар усулида *Gossypium* авлодининг ирсий салоҳиятидаги бизга маълум бўлмаган белгиларни излаб топилган ва бу манбалар орқали коллекцияда ҳамда табиатда учрамайдиган донорлар яратилган.

А. А. Абдуллаев, Б. Ю. Тўлаганов, У. Аминжонов, А. Маърупов (1997) [2] ларнинг маълумотларида келтирилишича, ҳозирги вақтда Австралияда гербицитларга бардошли ва тезпишар ғўза навларини яратишда мураккаб навлараро дурагайлаш услубидан кенг фойдаланадилар.

С. Мўминов, Б. Мўминова (2005) [27] лар илмийишларини жуғрофий жихатдан узоқ бўлган тур ичи дурагайларида гетерозис самаралиги устида олиб борганлар. Тажрибалар асосида олинган натижалар шуни кўрсадики, аксарият дурагай комбинацияларида тезпишарлик бўйича ижобий гетерозис ҳолати аниқланади ва бу ҳолатни намоён бўлишини улар чатиштиришда иштироқ этган доминант генларга эга ота – она шаклларга боғлайдилар.

Ш.М. Амантурдиев (1998) [10] олиб борган илмий изланишларида кўплаб хўжалик белгиларининг мураккаб дурагайларда қай тарика кейинги авлодга бериши ўрганилганда, биринчи бўғинда ҳосилдорлик бўйича гетерозис ҳолати 190% га етган ва бу ҳолат иккинчи бўғинда 30% гача сақланиб қолган. Шунингдек, иккинчи авлодда кўплаб хўжалик белгилари бўйича ота – она шакллари кўрсаткичларидан четга чиқиш ҳолати юз берган ва бу эса танлаш имкониятини кенгайтирган.

А. Р. Сиддиқовнинг (2006) [38] фикрича, селекция ишларида оддий дурагайлаш билан бир қаторда мураккаб дурагайлашдан кенг фойдаланиш юқори самара беради. Мураккаб дурагайлаш услубини тезпишар, оқпалак касаллигига бардошли, битта кўсакдаги пахта ва мингта чигит вазни йирик, сертола шаклларни яратишда қўллаш мумкин.

Ўрганилган мураккаб дурагайларнинг оқпалакка чидамлилиқ бўйича олинган маълумотлар нафақат ота – она шаклларининг ўртача кўрсаткичидан, балки юқори бардошликка эга бўлган ота ёки она кўрсаткичидан ҳам юқори бўлганлиги кузатилди. Тезпишарлик бўйича эсадоминантлик кўрсаткичларининг F_1 мураккаб дурагайларида намоён бўлиши ҳар бир комбинацияда ўзига хос тарзда кечиши кузатилди. Иккинчи бўғин мураккаб дурагайларида вариацион қаторнинг аксарият барча синфларига мансуб ўсимликлар пайдо бўлди. Бу эса, ушбу авлод дурагайларида кенг қамровли танлов ишларини олиб бориш имкониятини беради.

Вўзада тола чиқими, айниқса, тола узунлиги бўйича кенг даражадаги ижобий ўзгарувчанликка эришиш ҳамда уларнинг ўртача кўрсаткичини

яхшилаш учун нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган шаклларни мураккаб ва бекросс дурагайлашга жалб этиш юқори самара беради [13].

Мураккаб чатиштиришдан олинган комбинациялари барча хўжалик белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган эртапишар, серхосил рекомбинантларнинг кўп миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди. [32].

Касалликларга бўлган чидамликни оширишда ва ғўзанинг қимматли – хўжалик белгиларини яхшилашда мураккаб кўш дурагайлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўш дурагайлаш натижасида F_1 кўш дурагайларида юқори ижобий гетерозис кузатилади, F_2 авлодда эса трансгрессив генотиплар миқдори кескин кўпайиши тажрибаларда исботланган.

Турлараро кўш дурагай комбинацияларда ушбу белгилар бирмунча яхши ҳолатда эканлиги, яъни вегетация даври 119-125 кунни, симподиялар сони 13-20 тани, кўсаклар сони 12-24 тани, вилт билан ўртача зарарланиш 40-57% ни, кучли зарарланиш эса 13-20% ни ташкил этиши, яъни оддий дурагайларга нисбатан кўш дурагайларда вегетация даври 1-2 кунга қисқарганлиги, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони ортганлиги, вилт билан 2-8% гача камроқ зарарланиши аниқланди [18].

Конвергент чатиштиришлар асосида қишлоқ хўжалик экинларининг белгиларнинг энг яхши мажмуасига эга генетик бойитилган формалари, линиялари, ва навлари яратилган. Лекин, ғўзада ота – она формаларга нисбатан қимматли – хўжалик белгиларининг энг яхши мажмуасига эга янги селекцион материални конвергент чатиштиришлар асосида яратиш имконияти етарлича ўрганилмаган.

Селекция ютуқлари чатиштириш услубларига ва бу услубларнинг қанчалик генетик ўзгарувчанликка олиб келиши билан боғлиқ. Тола чиқими биринчи бўғин оддий дурагайларида ўта доминант ва оралиқ ҳолда, кўш дурагайларда салбий ўта доминант ва оралиқ ирсийланиши аниқланди [20].

Ќўзанинг генетикаси ва селекциясида чатиштиришнинг турли усуллари билан олинган дурагайлар ҳосилини қиёсий ўрганиш ҳозингача ўзининг аҳамиятини йўқотмаган.

С. А. Рахмонкулов, Г. Р. Холмуродова ва бошқалар (2009) [33] нинг тажриба натижаларига кўра, тола узунлиги бўйича F1 оддий дурагайларда салбий гетерозис, мураккаб ва конвергент дурагайларда ижобий гетерозис қайд этилди.

Тадқиқотларда турли чатиштириш услублари орқали дурагайларда толанинг солиштирма узилиш кучи белгиси қай тарзда ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги тахлил қилинган. Олинган натижалар жуфт дурагайлашда белгининг асосан ўта доминант ҳолатда, мураккаб дурагайларда кучли ижобий гетерозис ва конвергент дурагайларда эса салбий гетерозис ҳолда ирсийланишини кўрсатди. Биринчи авлод дурагайларида белгининг ўртача кўрсаткичи навлар, жуфт ва мураккаб дурагайларга нисбатан конвергент дурагайларда юқори бўлди. F₂ авлодда ҳам жуфт ва мураккаб дурагайларга нисбатан конвергент дурагайлар ичидан белги бўйича юқори кўрсаткичларга эга трансгрессив ўсимликлар пайдо бўлиши кузатилди. Турли чатиштиришлар орқали яратилган дурагайларнинг микронеёр кўрсаткичини ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини қиёсий ўрганиш борасидаги маълумотлар жуда кам. F₁ дурагайларида микронеёр оралиқ ирсийланиш ва ўта доминантлик ҳолатда бўлди.

III-БОБ. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИЛАРИ

3.1. Тупроқ шароити

Иزلанишлар ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти Зангиота тумани, Зангиота экспериментал базасининг дала шароити ҳамда ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораториясида 2014-2015 йиллар давомида бажарилди. Тадқиқот ўтказилаётган жойнинг шароити ҳам ғўза ўсимлигидан юқори ҳосил олишни таъминловчи омиллардан биридир. Тупроқ - бу кўп фазали табиий жисм. У қаттиқ, суяқ, газ ва микроорганизмлардан иборат. Тупроқда органик моддалар қанча кўп бўлса, тупроқ шунча донатор ҳолда бўлиб,

умумий ғоваклик юқори бўлади ва унинг сув-физик, ҳаво-физик хусусиятлари яхши бўлади. Тупроқ органик моддаларининг 85 % ини гумус, 10 % ини ўсимлик қолдиқлари, 5 % ини микроорганизмлар ташкил қилади. Зангиота экспериментал базасининг тупроғи асосан типик бўз серозёмлардан иборат. Эскидан деҳқончилик қилинади. Бўзсув каналининг Жунарик ирмоғидан сув олиб ерлар суғорилади. Тажриба майдонимиз 1968 йилдан бери фақат ғўза ўсимлигини текшириш ва танлов учун ажратилган. *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. нинг туричи генетик хилма-хилликларининг фотопериодга талабчанлиги турлича бўлганлиги сабабли, бир хил пайтда гулга кириши ва гуллаштини таъминлаш ҳамда чатиштириш ишларини олиб бориш мақсадида сунъий қисқа кун шароитлари яратилди. Биз тажриба учун олган туричи шакллари қисқа кунга кучли талабчан бўлганлиги учун, Вагнер челақларида, махсус фотопериодик уйчалар остида қисқа кун шароитида (10 соатлик ёруғлик) ўстирилиб, парвариш қилинди. Туричи генетик хилма-хилликларида чатиштириш ишлари умумий қабул қилинган услуб асосида олиб борилди.

G. herbaceum L. ва *G. arboreum* L. туричи шаклларининг чигитлари майда, бир-бирига ёпишиб кетганлиги, қаттиқ “тошсимон” қобикчилиги учун, тўғридан-тўғри очик дала шароитида экиб ўстириш қийин. Шундан келиб чиққан ҳолда, аввалига уруғларни тез ундириш мақсадида микропиляр қисми кесилиб, дистилланган сувда ювилиб, фильтр қоғози қўйилган Петри косачасида (чашка) 30-35⁰С иссиқликдаги термостатда 24 соатга қўйилди. Термостатда униб чиққан уруғларни 1:1:1 нисбатда гўнг, тупроқ, қум аралаштирмаси солиб тайёрланган қоғоз идишчаларга феврал ойининг охири март ойининг бошларида экилди. Ғўза кўчатлари 2-3 чинбарг ҳосил қилгандан сўнг Вагнер челақларига қайта экилди ва махсус фотопериодик уйчаларда ўстирилди.

3.2. Иқлим шароити

Иқлим шароити континентал. Асосий ёғингарчилик қиш фаслида, қисман баҳор ва куз ойларида бўлиб, ёзи иссиқ ва қуруқ бўлади. Қишда январ

ойининг ўртача ҳарорати -5° совуқдан 10° иссиқликни, йиллик ҳарорат 2600°C ни ташкил қилади. Зангиота экспериментал базаси $41^{\circ}20'$ шарқий узунликда, $69^{\circ}10'$ шимолий кенгликда, денгиз сатҳидан 480 м баландликда жойлашган, тупроқлари кам шўрланган, ғўза ўсимлигининг вегетация даврида 5-6 марта суғориш мумкин.

Ўсимликларнинг амал даври – бир-биридан ажралиб турадиган иккита даврни билдиради: қисқа муддатли – баҳорги серёмғир, ҳамда узоқ давом этадиган – куруқ, иссиқ ва кам булутли ёз ойлари дир.

Вилоятда ёғингарчилик умумий миқдорининг тақсимланиши нотекис. Ёғингарчиликнинг бундай нотекис бўлишига рельефнинг, яъни ер усти тузилишининг, денгиз сатҳидан баландлиги, шамолнинг йўналиши каби омиллар кучли таъсир қилади.

3.3. Агротехникавий шароит

Тажриба олиб борилган типик бўз тупроқларда кучли агроирригация қатламнинг мавжудлиги, ер ости сувлари анча чуқур (11 метр ва ундан ортиқ) жойлашганлиги, ҳайдалма қатлам остини анча жипслашиб кетганлиги билан характерланади. Бу қатлам тупроқларининг ҳажм оғирлиги $1,4-1,5 \text{ г/см}^3$. Гумус миқдори (тупроқ оғирлигига нисбатан) ҳайдалма қатламда 0,8-1,0 %, ҳайдалма остки қатламида 0,5-0,6 % га тўғри келади.

Тадқиқот ишлари умумий қабул қилинган агротехник шароитларда олиб борилди.

Вегетация даврининг охирида бошланғич манбалар, ўсимликларининг морфобиологик белгиларига (асосий поянинг бўйи, ранги, тукланиши, асосий поядаги бўғимлар сони, уларнинг узунлиги, шохланиш типи (симподиал, моноподиал), барг ва шохларнинг асосий пояда жойланиши, биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, барг шакли, ранги, тукланиши, барг ширадонларининг сони, шакли, ранги, гулёнбарглар сони, шакли, ранги, ўлчами, тишчаларнинг сони, гулкосачабарглар шакли, ранги, гултожибарглар ранги, сони, узунлиги, кенглиги, асосида доғнинг бор ёки йўқлиги, чанг устунчасининг ҳолати, ранги, кўсак шакли, катталиги, узунлиги, ранги, кўсак

юзасининг характери, чаноқлар сони, чигитнинг шакли, тукланиши) махсус классификатор асосида тавсиф берилди [13].

Бошланғич манбалар ўсимликларининг бир туп ўсимликдаги мева элементлари ва жами кўсақлар ҳамда битта очилган кўсақдаги уруғланган, ҳаётчан ва яхши ривожланган уруғлар сони ҳисобланди. Бунинг учун ҳар битта ўсимликдан 10 тадан яхши пишиб етилган кўсақ йиғиб олинди ва ҳар битта кўсақдаги тўлиқ ва пуч уруғлар сони аниқлаб чиқилди.

Олиб борилган барча амалий тадқиқот натижалари, миқдорий белгиларнинг рақамли кўрсаткичлари Б.А. Доспехов [18] услуби ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

3.4.Тадқиқот ўтказиш услублари

- Дурагайлаш;
- солиштирма морфология;
- генетик ва статистик таҳлил.

IV-БОБ.ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУХОКАМАСИ. АФРО-ОСИЁ ВА ҲИНДИ-ХИТОЙ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ТУРИЧИ ХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ВА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ.

Ғўза селекциясининг доимий долзарб муаммоси – ташқи муҳит стресс омилларига, қишлоқ хўжалик касалликларига бардошлилик генетик потенциалига, юқори ҳосилдорлик даражасига эга бўлган, жаҳон бозорида рақобатдош, сифатли толали навлар яратишдир.

Ўтган йиллар селекциясининг навлараро дурагайлаш асосида яратилган истиқболли навларида, вақт ўтиши билан қимматли биологик ва хўжалик белгиларининг сусайиши, вилт ва фузариоз вирусларининг янги штаммлари билан зарарланиши, ҳосилдорлигининг кескин пасайиши кузатилмоқда.

Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий йуналишларидан бири ҳозирги селекция ғўза навлари генотипидан тубдан фарқ қилувчи, фойдали генлар

мажмуаси билан биргаликда, ташқи стресс омилларига адаптацион потенциалга эга бўлган бошланғич манбалар яратишдир.

Бундай потенциал, ҳозирги вақтда ноҳақунутилган Ўзбекистон шароитида интродукция қилинган, *Gossypium L* туркумининг эски дунё ғўза турлари *G.herbaceum L.* ва *G.arboreum L.* ёввойи хилма-хилликларида мавжуддир.

Бу турнинг кўпчилик шакллари ёзнинг саратон иссиғи ваҳавонинг қуруқлигига ўта чидамли бўлса (*ssp. africanum*) қисқа вақтли, унча катта бўлмаган совуққа бардошлидир.

Ҳинди–Хитой, *G.arboreum L.* ғўза турларининг туричи хилма-хилликлари ва шакллари иқлимнинг кескин ўзгарувчанлигига, бактериозга (*B.Malvacearum Smith*) чидамлилиги ҳамда толасининг юқори гигроскопиклик хусусияти билан, барча полиморф турлардан *G.hirsutum L.*, *G.barbadense L.*, *G.herbaceum L.* дан ажралиб туради (Mauer, 1954). *G.herbaceum L.* ва *G.arboreum L.* шакллари ширага (*Aphis gossypii*) ва ўргимчакканага (*Epitetranicus sp*) янги дунё ғўза турларига нисбатан чидамлидир.

Тадқиқотларимиз асосий мақсади Афро-Осиё ва Ҳинди-Хитой (A_1 , A_2) ғўза туричи ва турлараро дурагайлариининг ҳосилдорлик потенциалини белгиловчи омилларни (битта тугунчадаги уруғкуртаклар сони, битта кўсакдаги тугилган тўлиқ уруғлар сони ва тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи, бир туп ўсимликда тугилган кўсаклар сони) ўрганиш, бу белгилар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Тажриба объекти сифатида *G. herbaceum L.: ssp.africanum (Watt) Mauer; ssp.pseudoarboreum Mauer; ssp.frutescens (Delile) Mauer; ssp.euherbaceum Mauer. G.arboreum L.; ssp.obtusifolium (Roxb) Mauer; ssp.perenne (Blanco) Mauer; ssp.neglectum (Tod) Mauer; ssp.nanking (Meyen) Mauer.* туричи хилма-хилликлари олинган.

Тажриба натижалари Б. Доспеховнинг (1979) статистик услуби ёрдамида таҳлил қилинган.

Кузатув натижалари шуни кўрсатдики, келиб чиқиши Афро-Осиё географик минтақасига мансуб, *G.herbaceum* L. туричи хилма-хилликларида бир дона кўсакдаги чаноклар сони асосан 3-4 тани ташкил этиб, ҳар чанокда 4-5 та сифатли чигит мавжуд.

Шу жумладан ўсимликлардаги кўсаклар сони 20-51 донани ташкил қилди. Бу белги бўйича энг юқори кўрсаткич Сорт 377 навида кузатилди (1-жадвал). Бу турнинг туричи хилма-хилликлари ўртасида уруғкуртак сони 15,8-23,9 донани ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич кўп йиллик рудерал экма форма *ssp. pseudoarboreum* да 23,9 донани ташкил қилган бўлса, нисбатан паст кўрсаткич қадимги ёввойи форма *ssp.africanum* да кузатилди (15,8 дона). Битта кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи барча туричи хилма-хилликларида 87,7-96,2 % га тенг эканлиги аниқланди. Бунда нисбатан юқори кўрсаткич кўп йиллик рудерал ва экма форма *ssp.pseudoarboreum* 96,2 % ни ташкил этган бўлса, бошқа хилма-хилликларга нисбатан паст кўрсаткич қадимги ёввойи форма *ssp.africanum* да 87,8 % эканлиги кузатилди (1-жадвал).

Ҳинди-Хитой географик минтақасидан келиб чиққан *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларида бир дона кўсакдаги чаноклар сони 3-4 тани ташкил қилади. Шу жумладан ҳар чанокда 4-5 та сифатли чигит мавжуд. Ўсимликлардаги кўсаклар сони 10-35 донани ташкил этди. Юқори кўрсаткич *ssp. obtusifolium var. indicum* да кузатилди (1-жадвал).

Бу турнинг тур ичидаги хилма-хил формаларида уруғ куртак сони 14,8-29,2 донани ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич кўп йиллик рудерал ва экма форма *ssp. perenne* да 29,2 дона эканлиги, энг паст кўрсаткич қадимги ёввойи форма *ssp. obtusifolium* да 14,8 дона бўлганлиги кузатилди. Битта кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиши 88,6-92,6 % ни ташкил этиб, нисбатан ўзгармаганлиги маълум бўлди, бунда юқори кўрсаткич ВИР 1372 -навида 92,6 % ни кўрсатган бўлса, нисбатан паст кўрсаткич ярим симподиал ва симподиал тропик форма *ssp.neglectum* да кузатилди (88,6 %).

Тадқиқотлар натижаларининг тахлили, Афро-Осиё ва Хинди-Хитой ғўза тур хилма-хилликлари, уруғкуртаклар ва битта кўсакда тугилган тўлик уруғлар сони буйича деярли бир-биридан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Бошқалардан истисно *G.arboreum* L. турига мансуб *ssp. perenne* кенжа турининг ўрганилган белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланди, яъни уруғкуртаклар сони 29,2 та, тўлик уруғлар сони 26,0 тани ташкил этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитида интродукция қилинган, эски дунё ғўза турлари *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. ёввойи, рудерал, маданий тропик ва маданий хилма-хилликларида, ҳосилдорлик компонентлари ҳисобланган уруғкуртаклар ва битта кўсакда тугилган тўлик уруғлар сони, бир-бири билан узвий боғлиқлиги аниқланди.

1.

4.2. А-Геном турлари ва уларнинг дурагайларида тезпишарлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.

Ғўза ўсимлигида тезпишарлилик энг муҳим хўжалик аҳамиятга эга бўлган белгиларидан бири ҳисобланади. Чунки эрта йиғиб олинган пахта ҳосили келгуси йилга пухта замин яратилиши билан бирга унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Эртапишарлик барча микдорий белгилар каторида полимер генлар таъсирида ирсийланади. Полимер ирсийланиш назариясига асосан полимер генларни таъсирининг йиғиндиси, маълум бир белгининг намоён бўлиши, яъни ирсийланиш даражасини белгилаб беради. Белгининг ривожланишига актив, яъни доминант аллел генларнинг ҳар бири бир хилда ҳисса қўшади. Ўз навбатида ўсимлик генотипида доминант аллеллар қанча кўп бўлса, белги шунчалик кучли намоён бўлишини кўплаб олимлар таъкидлашган (Симонгулян, 1971, 1987, 1991).

Шу боисдан, ҳозирги даврда тезпишар ғўза навларини яратишда унинг генетик асосига алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Чунки

чатиштириш учун танланган бошланғич манбанинг генотипидаги белгилар камровининг махсулдорлигига боғлиқ жиҳатидан авлодларда ажралиш жараёнида керакли рекомбинантларни танлаш имкони бўлади. Бунда айниқса тезпишарлик, турли хил касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ ва бошқа шу каби белгиларни аниқлаш ва навларга ўтказишда ғўза генофондидаги, шу жумладан ёввойи турлар, хилма-хилликларидан фойдаланиш юқори самара беришлигини, бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишларда ўз аксини топган ўз аксини топган (Мауер, 1954; Абдуллаев, 2005; Бобоев, 2005; Эрназарова, 2008).

Тажрибалар учун бошланғич ашё сифатида *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларидан фойдаланилди. Фенологик кузатишлар натижасида *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари ва F₁ F₂-ўсимликларининг вегетацион даврининг давомийлиги аниқланди (1-жадвал).

